

Охири замондаги ибодатнинг фазли



18:41 / 02.12.2016 5278

Абу Хурайрадан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўтирган одамлар устига келиб: «Сизларга яхшиларингиз ва ёмонларингиз хабарини берайми?» дедилар. Улар сукут сақладилар. У зот ҳалиги гапни уч марта айтдилар. Кейин бир киши: «Ҳа! Эй Аллоҳнинг расули Бизга яхшиларимиз ва ёмонларимиз хабарини беринг», деди. «Яхшингиз яхшилигидан умид қилинадиган ва ёмонлигидан эмин бўлинадиган кимсадир. Ёмонингиз яхшилигидан умид қилинмайдиган ва ёмонлигидан эмин бўлинмайдиган кимсадир», дедилар».**

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ҳали одамларга бир замон келурки, унда динида сабр қилувчи худди чўғни чангалловчига ўхшаш бўлур», дедилар».** Иккисини Термизий ривоят қилган.

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Фитна ва қатл кўпайгандаги ибодат худди менга ҳижрат қилган кабидир», дедилар».** Муслим ва Термизий ривоят қилишган. Абу Хурайрадан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Сизлар ким ўзига амр қилинган нарсани ўндан бирини тарк қилса ҳалок бўладиган замондасиз. Сўнгра бир замон келурки, унда сизлардан ўзига амр қилинган нарсанинг ўндан бирига амал**

қилган одам нажот топадир», дедилар». Термизий ривоят қилган.